



## ЖУМЎРИЯТ «ҚҲРИҚЛАШ» ВИРЛАШМАСИДА

### ҚОРИШМАГА «ҚОРИШДИ»

8 март байрамида бола-ларнинг онасию опа-син-гилларга яхши совға бериб, уларни мамнун этиш қан-дай ёқимли. Аммо давлат дўконларида пештахталар Алдарқўсаннинг янгидай ши-пийдам, тижорат дўконла-ридаги нарх эса асабин-гизни қутурган итдай тиш-лайди.

Ана шунинг ҳисобини ол-ган чилангар В. И. байрам куни ўзи ишлайдиган Ол-малиқ кон-металлургия ком-бинатидан 1 минг 560 грамм олтин-кумуш қо-ришмасини ўмармоқчи бўл-ганди, омади чопмади. Ҳар-бийлашган соқчилик бў-линмаси ходимлари мақ-садини пучга чиқаришди. У энди қачон аёлларга сов-ға беради — бу судга боғ-лиқ.

### ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

қайга борасан давога, деган экан машойхлар. Йигирма ёшли И. Б., О. У., М. А. лар қўлидан ҳеч нар-са келмасди. На ўймакор-лик, на гилам тўқиш, на этикдўзлик. Ўйлай-ўйлай бир ҳунарни эплашлари мумкинлигига ақллари етиб қолди. Ўзлари ишлайдиган Урганч пойафзал фабрика-сини тунамоқчи бўлишди. Кечаси корхона омбори-дан тўрт қўти ва тўрт қоп тагчармни қўлтиқлашди. Аммо шунга ҳам малака-лари етмади. Шаҳар ИИБ қошидаги қўриқлаш бўли-ми ходимлари милиция старшинаси С. Имомиддинов, милиция сержанти Б. На-заров, милиция кичик сер-жанти Ф. Сапаевлар улар-нинг йўлини тўсиб, 7 минг 138 сўмлик хомашёни жо-йига қайтардилар.

### «УРАЛ»НИНГ НОМИ БЕКОР!

Керамика қўрғониди я-тиқомат қилувчи ўн сак-киз ёшли С. С. Янгирер шаҳ-рининг Самарқанд кўчаси-да яшовчи С. Гергенидзе хо-надонига билдирмай кириб борди. Ўзи орзу қилган «Урал» белгилли велоси-педга «Москвич» автома-шинасининг покришқасини юклаб, қочиб қолмоқчи бўл-ди. У тўғриси айтганда, ўғрилаган велосипеди — «Урал»нинг шамолдай учи-шига ишонганди. Аммо бундай эмас экан. Янгирер шаҳар ИИБ қошидаги қў-риқлаш бўлими 1-марказ-лашган соқчилик пульта қўлга олиш гуруҳи аъзо-лари унга етиб олиб, тўх-татишди.

Жабранувчи умидини узган молларини кўргач, милиция капитани Х. Бер-диқулов, милиция сержан-ти А. Сарибоев, милицио-нер-ҳайдовчи Ш. Тешабоев, милиция катта лейтенанти Н. Мирзаевларга чин дил-дан миннатдорчилик бил-дирди.

Элшод РАҲМАТОВ.

Мустақил давлатимиз иқ-тисодиётини пароканда қи-лиши мумкин бўлган жиноят-чилик билан курашиш, Ўз-бекистоннинг молия ва ва-люта ресурсларини нопок қўллар ҳамласидан ҳимоя этиш жумҳурият ИИБ фао-лиятининг муҳим йўналиш-ларидан биридир.

Шу йил март ойида уюш-ган жиноятчилик ва пора-хўрликка қарши кураш бош-қармаси ходимлари қонун билан ниқобланган ҳолда Ўзбекистон ҳудудида ҳара-кат қилаётган иккита валю-тачи гуруҳлар фаолиятига чек қўйиш борасида кенг қўламли тадбирни амалга оширдилар. Бунга бошқар-ма бошлиғи милиция под-полковниги Тўражон Хол-матов бевосита раҳбарлик қилди. Шуниси ҳайратла-нарлики, таъмагирлар жи-ноий шахслар ёки хуфёна иқтисод тадбиркорлари ора-сида эмас, балки бундай во-

қеаларни кутиш ҳам мум-кин бўлмаган одамлар дои-расида яширинган эканлар.

Фирибгарларни қўлга олиш ва фош этиш ўз-ўзи-дан бўлмади. Бунгача жи-ноий бизнеснинг қиммат-баҳо металллар ва буюмлар-ни ўзлаштириш борасидаги

лаш жараёнида бир неча марта қуролли қаршилиқ кўрсатишга уринишлар юз берди. Оператив ходимлар маҳоратининг юқори дара-жадалиги ва ҳар қандай фавқулоддаги ҳодисаларга тайёр эканликларигина бу уринишлардан қутиладиган

шаҳар олий ўқув юртлари-дан бирининг профессори, пойтахт вилоятидаги гуш-ни қайта ишловчи йирик корхона раҳбари ҳам бор.

Ҳисба олинганларни тин-тув пайтида 8 миллион сўм-лик уч килограммдан ор-тиқ қўйма олтин ва подшо-лик даврида зарб этилган 150 дона тилла танга, кат-та миқдордаги видеоаппара-туралар, чет элда тайёрлан-ган нусха кўпайтирув-чи техникалар, брилли-антлар, наркотик модда-лар, тиббиёт соноатида ўта ноёб ҳисобланмиш илон захри қўшилган ампулалар, юздан ортиқ турдаги ёдгор-лик буюмлари, ўт очиш қу-роллари ҳамда ўқ-дорилар тортиб олинди.

Бу иш бўйича ўндан ор-тиқ киши қамалди. Опера-тив-тергов гуруҳи тузилди. Унинг ҳаракатлари тўғри-сида кейинроқ яна маълумот берамиз.

## МАФИЯ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ўзига хос усул ва услубла-рини ўрганиш, унинг раҳ-барлари ва иштирокчилари-ни аниқлаб олиш учун ма-шаққат чекишга тўғри кел-ди.

Оператив ходимлар тад-биркорлиги ўта махфийлик устивор бўлган, ўзига хос шартли алоқа системасига эга жиноий ҳамкорлик ус-томонлиги билан рўбарў келди. Уларнинг раҳбарла-ри ва иштирокчиларини уш-

нохуш оқибатларни йўққа чиқарди.


Ҳозирча тергов ҳаракат-ларига ҳалақит бериб қўй-маслик учун жиноий гуруҳ-лар қатнашчиларини номма-ном айтишдан тийилмади. Фақат бир нарсга таажжуб-лантирадики, жиноий гуруҳ-лардан бирининг ташкилот-чилари орасида Ташкент шаҳри туманларидан бири-да ҳарбий комиссар лавози-мида ишловчи подполковник,



Ҳамза тумани ИИБ ИЖК ходимлари яқинда катта миқдордаги талон-торожли-ни фош этишди. Бир кон-тейнер канистра ҳужжатсиз олиб кетилаётганда ушлан-ди.

СУРАТЛАРДА: ИЖК бошлиғи милиция майори Алишер Исаев (чапда), кат-та оператив вакил милиция капитани Нафик Ситдиқов ўғрилиқ молларни кўздан кечиритмоқда; «Юк» ор-тилган контейнер.

Мурод МАҚСУДОВ олган сурат.



## ҲУРМАТЛИ РЎЗНОМАСЕВАРЛАРИ!

Ҳар бирингиз шохидсиз, шу кунгача «Постда» рўз-номасини истак ва таклиф-ларингизга мослаб қилиб чиқ-аришга, унинг ҳар бир сон-ида ИИБ тизимидидаги ўт-тир муаммоларни дадил кўта-ришга, илғор тажрибаларни оммалаштиришга имкони борича иштирок келдик.

Аммо бугунги кунда бир нарсани бизни қаттиқ таш-вишга солиб қўйди. Тўғри-роғи, Сизларга мунг аидиша

билан мурожаат қилишга мажбуримиз. Рўзнома тайёр бўлиб, мухлислар қўлига етиб боргунча бўлган хара-жатлар — қозоғ, босмаҳона, ташин нархлари осмон-фа-лакка кўтарилиб кетди. Шу боис апрель ойидан бошлаб «Постда» ҳафтасига икки марта — сешанба ва жума кунлари чиқади. Нархи эса сотувда 1 сўм, обуначига 50 тийин қилиб қайта белгилан-ди. Ҳисоб-китоблар 1992 йил обуна кириши апрель

ойида буткул сарфлаб бў-линишини кўрсатяпти. Сиз обуначилар тўлаган пулнигиз 10 апрелда тугайди. Агар кейин ҳам рўзноманингизни ўқиб боришни истасангиз, қайтадан ёзилишга шоши-линг. Обуна нархи: уч ойга 13 сўм 50 тийин, олти ойга 27 сўм, етти ойга 31 сўм 50 тийин.

Обуна рақами 64615.

Ишонамизки, мухлислари-миз почорликдан қилинган бу ўзгаришлардан кейин ҳам рўзномага бўлган му-носабатларини ўзгартирмай-дилар.

## ИТ ҲУРАР...

Қўлимга қалам олишга собиқ ССЖИнинг турли мат-буот нашрларидан отилаётган фиску фасодлар сабабчи бўлди.

Тўғри, елкамизни қисганча юқорига бор-будимизни қўш-қўллаб топширадиган вақтлар ўтиб кетди. Бироқ яхши ният билан келган ҳар бир меҳмонга қўлимиз ҳам, йўлимиз ҳам очик. Аммо акси бўлса-чи? Халқимиз-нинг қаҳр-ғазабига утрайди.

«Комсомольская правда»нинг доимий нонхўрлари Д. Согов ва И. Черниклар юртимизга ғаразли мақсадда ташриф буюрганлардан. Гарчи бу ердан ўзлари кутган нарсаларни кўрмасаларда, борганларидан кейин шунақа нарсалар ёзишдики... Ҳайрон қоласан журналист деган номни булғайтган кимсаларга. «Ит ҳура, карвон ўтар», — дейди халқимиз.

Ф. ЖҲРАҚУЛОВ.

## БИРЛИКДА ГАП КЎП

Урта Чирчиқ тумани ИИБда кадрлар масаласига катта эътибор берилади. Бў-лимда етти кишидан иборат ҳайъат тузилган бўлиб, ун-да кимни қайси хизматга қўйиш, рағбатлантириш, кимга навбатдаги унвонини бериш каби масалалар ба-маслаҳат амалга оширила-ди.

Бўлим раҳбарияти ҳўжа-ликларнинг моддий ёрдами туфайли қўшимча лавозим-лар киритишга муваффақ бўлдилар. Участка вакилла-рини тайинлашда уларнинг хизмат кўрсатиш ҳудудида яшаётганликлари ҳисобга олинмоқда. Яқинда «Ленин йўли» жамоа ҳўжалигига шу ерда туғилиб ўсган ми-лиция лейтенанти Е. Матва-лиев, Янги Ҳаёт, Чегирниқ қўрғонларига эса И. Риски-ев, Р. Хонтемировлар участ-ка инспекторлигига тайин-ландилар. Натияжаси эса ёмон бўлмади.

Бугунги кунга қадар бу уч ходим бир неча жиноят-ларни очинди. Ёлғизанд-ларни аниқлаб, талай ҳу-қуқбузарликларнинг олдини олишга эришдилар. Ҳар ким ўз ўрнини топса, ишнинг ҳам унвони бўлади, деганла-ри бежиз эмас.

Х. ИНОЯТОВ.

## МИНГБУЛОҚНИНГ БЕОРОМ КУНЛАРИ

[СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ]

Кўнка бетўхтов отилаётган нефтин жиловланиши ҳануз имкони бўлмапти [1-сурат]. Жумҳуриятимиз етакчи мутахассислари булоқ кўзини инсон измига бўйсундириш йўллари қидириш билан банд. Нефть ҳозирча шу ердаги каналга оқизиб қўйилмоқда [2-сурат].

Андижон вилояти ИИБ ёнгиндан сақлаш бўлимининг 1-махсус ҳарбийлашган ўт ўчириш қисми ходими ички хизмат катта лейтенанти Рашиф Аҳмедов ҳарбий бўлимининг жангчиларига шу кеча-кундузда бажариладиган ишларни тушутириш билан банд [3-сурат].

Хизматга келган Задарё тумани матлубот жамиятига қарашли дўкон сотувчиси Абдурашул Мамасолиевнинг қўли-қўлига тегмайди [4-сурат].

Қора олтин олиб кетилаётган участкаларнинг хавфсизлигини таъминлаш, бу ерда оёйишталлини сақлаш учун тузилган ИИБ штаби бошлиғи, вазир ўринбосари ички хизмат полковниги Эркин Норғитов [ўртада] Наманган вилояти ИИБ ёнгиндан сақлаш бўлими бошлиғи ички хизмат полковниги Шўхрат Имомов ва штаб аъзоси ИИБ жамоат тартибини сақлаш Бошқармаси катта инспектори милиция майори Викентий Нилар билан галдаги вазифалар ҳақида суҳбат қурмоқда. [5-6 суратлар].


Кўннга Мингбулоқ сари келётган машиналар карвони тинмайди. Ҳаракатни тартибга солиш Наманган вилояти ИИБ ДАНБ инспектори милиция сержанти Анвар Холматов зиммасига ҳам тушган [7-сурат].

Бу ерда ўз хизмат бурчларини ўтаётган Намангандаги 1-махсус ҳарбийлашган ўт ўчириш қисми катта муҳандиси ички хизмат катта лейтенанти Абдурахмон Алихоннов ва Задарё тумани ИИБ пост-патрул хизмати ходими милиция кичик сержанти Абдулҳамид Отамирзаев [8-сурат] ҳайдовчилар ҳужжатини синчковлик билан текширишлари шарт.

Жумҳуриятимиз бойлигига бойлик бўлиб қўшилган хазинани кўз қорачуғидай асраш учун бу ерда 4 та 16 минг тонна нефть сифатли резервуарлар қуриш, Сирдарё устига 2 та фавқуллоҳда кўприк (понтон) ўрнатиш бошлаб юборилди.

«Постда»нинг махсус муҳбири

Ҳабибулла ШОДИЕВ  
олган суратлар.



Қамаши тумани ИИБ шахсий таркиби ўтган икки ой мобайнида жиноятчилик билан курашни кучайтирдилар. Шу маъсадда 10 январдан 10 февралгача, 21 февралдан 2 мартгача туманда «Яхлит» деб номланган махсус тадбир ўтказилди. Тадбир давомида 150 дан ортиқ муқаддам судланганлар билан ҳуқуқий ва тарбиявий мавзуда суҳбатлашилди. Жиноятга мойил вояга етмаган ўсмирлар ҳам бундай суҳбатлардан четда қолмадилар. Ишламай текинхўрлик орқали кун кечираётган 20 дан ортиқ шахслар рўйхатга олинди, ишга жалб қилинди. 6 нафар ашаддий ароқхўр мажбурий даволанишга жўнатилди.

Маст ҳолда улов бошқарган 15 киши ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилиб, жарима солинди. Кейинги пайтларда пул тикиб, қимор ўйнаш кўпайиб бормоқда. Ушбу тадбир жараёнида 70 дан ортиқ шундай фактларга дуч келдик.

Масалан, участка вакили милиция катта лейтенанти К. Бешиққулов 28 нафар қиморбозни ўйин устида ушлади. Улар қимлар экан денг? Тошкентдаги 19-билим юрти толиблари Эркин Йўлдошев, Олим Раҳмонов, Самарқанд қишлоқ хўжалик олий билимгоҳи толиби Камол Мейлиев, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат

олий билимгоҳи толиби Ботир Диев, Тошкент техника дорилфунуни толиби Абдусалом Рустамов, Қамаши қишлоқ хўжалик техникуми толиби Равшан Қодиров, Қамаши қурилиш материаллари комбинати касбири Келдиёр Бакиров, 181-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси кадрлар бўлими ходими Тўра Шерматов, 7-механизациялашган кўча колонна ишчиси Акмал Норпўлатов, Охунбобоев номи ширкат хўжалиги ишчилари Боймурод Диев,

Панжи Дурсаев, Нарзулло Нормўминов, Камол Ўринов, Эргаш Раҳматов, Нормухаммади Маҳмадиев, Алишер Бакиров, Рафур Холиёров, Мусурмон Нодиров, 76-ўрта мактаб ўқитувчилари Алишер Темиров, Ғанишер Олимов, «Қорабоғ» давлат хўжалиги тракторчиси Рўзимурод Эшмуродов, шу хўжалик иш-

чиси Ихтиёр Ҳақимов, Исмагулла Раҳимов, Азамат Раззоқовлардир. Уларнинг кўпчилиги онлали бўлиб, ҳар бирининг 3-9 нафардан фарзандлари бор. Маъмур қиморбозларнинг бу ишларини муштариоларнинг ўзлари баҳолай қолсинлар.

Участка вакили милиция лейтенанти М. Келдиёров ҳам ўз ҳудудида бўлаётган қиморбозликни фош этганлардан.

Қамаши таъмирлаш ишлаб-чиқариш корхонаси ишчиси Боқи Мирзаев, Ленин номи

жамоа хўжалиги тракторчиси Бахтиёр Хуррамов, Фрунзе номи давлат хўжалигининг ишчиси Тўйчи Исломов, Қамаши умумий овқатланиш корхонаси ошпази Мустафо Иминов, Карл Маркс номи давлат хўжалиги қоровули Норқул Очилов, «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги аъзоси Олим Музаффаров

лар ўйин авжига чиққанида қўлга тушганлардан.

Буларни катталар десак, мактаб ўқувчиларига нима дейсиз? Участка вакили милиция капитани И. Асадов томонидан ушланган қиморбозлар илгга чанқоқ ўқувчилардир. Мана улар: «Коммунист» ўрта мактабининг 11-синф ўқувчилари Салим Абодов, Абдумурод Еқубов, Илҳом Ҳақимов, Юнус Бекназаров, Ашуралӣ Жумаев, Гулом Қувватовлар. Ўқувчилар ўқитувчилар-

дан ибрат олганми ёки аксини? «Марксизм» жамоа хўжалиги аъзоси Ражаб Отамуродовнинг уйида қимор ўйнаётганлар билан танишсак. Қори Ниёзий номи мактаб ўқитувчилари Эшқобил Ҳолиқов, Азамат Раҳмонов ва яна турли касбдаги 12 киши.

Ярим кеча ёки тонг отаргача қимор ўйнаб, борини ютқазган одамни йўл-йўлакай кимнингдир мол-мулкни ўмариб кетмаслигига ким нафил бўла олади?

Агарда илгаригидек одамларни меҳр-оқибатга, ўзаро ҳурматга, ўзганинг ҳақидан ҳазар қилишга ундовчи диёнатли кишилар кўп бўлганида эди, турли жанжаллар, муштлашиш, калтаклаш, оилавий низо-лар бўлмасди.

Ҳ. САИФУЛЛОЕВ,  
милиция подполковниги.

## ЖИНОЯТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

олий билимгоҳи толиби Ботир Диев, Тошкент техника дорилфунуни толиби Абдусалом Рустамов, Қамаши қишлоқ хўжалик техникуми толиби Равшан Қодиров, Қамаши қурилиш материаллари комбинати касбири Келдиёр Бакиров, 181-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси кадрлар бўлими ходими Тўра Шерматов, 7-механизациялашган кўча колонна ишчиси Акмал Норпўлатов, Охунбобоев номи ширкат хўжалиги ишчилари Боймурод Диев,

Панжи Дурсаев, Нарзулло Нормўминов, Камол Ўринов, Эргаш Раҳматов, Нормухаммади Маҳмадиев, Алишер Бакиров, Рафур Холиёров, Мусурмон Нодиров, 76-ўрта мактаб ўқитувчилари Алишер Темиров, Ғанишер Олимов, «Қорабоғ» давлат хўжалиги тракторчиси Рўзимурод Эшмуродов, шу хўжалик иш-

чиси Ихтиёр Ҳақимов, Исмагулла Раҳимов, Азамат Раззоқовлардир. Уларнинг кўпчилиги онлали бўлиб, ҳар бирининг 3-9 нафардан фарзандлари бор. Маъмур қиморбозларнинг бу ишларини муштариоларнинг ўзлари баҳолай қолсинлар.

Участка вакили милиция лейтенанти М. Келдиёров ҳам ўз ҳудудида бўлаётган қиморбозликни фош этганлардан.

Қамаши таъмирлаш ишлаб-чиқариш корхонаси ишчиси Боқи Мирзаев, Ленин номи

жамоа хўжалиги тракторчиси Бахтиёр Хуррамов, Фрунзе номи давлат хўжалигининг ишчиси Тўйчи Исломов, Қамаши умумий овқатланиш корхонаси ошпази Мустафо Иминов, Карл Маркс номи давлат хўжалиги қоровули Норқул Очилов, «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги аъзоси Олим Музаффаров

лар ўйин авжига чиққанида қўлга тушганлардан.

Буларни катталар десак, мактаб ўқувчиларига нима дейсиз? Участка вакили милиция капитани И. Асадов томонидан ушланган қиморбозлар илгга чанқоқ ўқувчилардир. Мана улар: «Коммунист» ўрта мактабининг 11-синф ўқувчилари Салим Абодов, Абдумурод Еқубов, Илҳом Ҳақимов, Юнус Бекназаров, Ашуралӣ Жумаев, Гулом Қувватовлар. Ўқувчилар ўқитувчилар-

дан ибрат олганми ёки аксини? «Марксизм» жамоа хўжалиги аъзоси Ражаб Отамуродовнинг уйида қимор ўйнаётганлар билан танишсак. Қори Ниёзий номи мактаб ўқитувчилари Эшқобил Ҳолиқов, Азамат Раҳмонов ва яна турли касбдаги 12 киши.

Ярим кеча ёки тонг отаргача қимор ўйнаб, борини ютқазган одамни йўл-йўлакай кимнингдир мол-мулкни ўмариб кетмаслигига ким нафил бўла олади?

Агарда илгаригидек одамларни меҳр-оқибатга, ўзаро ҳурматга, ўзганинг ҳақидан ҳазар қилишга ундовчи диёнатли кишилар кўп бўлганида эди, турли жанжаллар, муштлашиш, калтаклаш, оилавий низо-лар бўлмасди.

Ҳ. САИФУЛЛОЕВ,  
милиция подполковниги.

# ШАЙТОННИНГ УЙИ ҚАЕРДА?



Жиноятчилик дунёсига кириб қолганларнинг феъл-атворлари жуда қизиқ. Қонунбузарликка қўл ураётганларида виждон, ақл деган нарсаларни мутлақо менсимайдилар. Ўзларини ўта ишбилармон, мард ва кучли фараз қиладилар. Темирдек бақувват панжалар исканжасига тушгач эса, ялиниб-ёлворини бошлайдилар. Бундай пайтда содир этмоқчи бўлган қонунбузарликларидан қатъий назар бир гапни эшитиш мумкин. «Кечиринг, шайтон йўлдан оздирди, ғафлатда қўлибман, бошқа такрорламайман!»

Ундай тоифадагилар кўздан оқаётган жолаларни кўриб, баъзан раҳмим ҳам келади. Барибир тирин одамнинг кўз ёшига чидаш қийин-да. Шунақа пайтларда болаларча фикр юрита-ман. Қанийди шу лаънати шайтоннинг уйи қаердалигини билсам, ўт қўярдим, ўт!

Аммо на иложки, қаллобликка мойил ҳар юрак ўша малъунга макон бўлса...

Келинг, Андрей Николаевич Холявинни олиб кўринг. 1965 йилда таваллуд топган бу йигитни четдан кузатган киши ҳавас қилади. Ўзига мос Ирина деган рафиқаси, бир нафар фарзанди бор. Аммо унинг таржимаи ҳоли билан яқинроқдан танишсангиз, боғи ҳавас ўрнини афсус эгаллайди. Шундай йигит шу пайтгача бир неча марта судланишга улгурган бўлса-я..

Яна шайтонга ҳай бера-сиз. Эҳтимол темир панжалар орасида ўтган вақт унинг тушунчасига тасвир кўрсатгандир, бу жумбоқликларга тўла ҳаётда нима тўғрию, нима нотўғри эканлиги ҳақида ўз фикрига эга бўлгандир?

Агар башоратим тўғри чиқиб, ҳаёлингиздан шундай мулоҳазалар ўтган бўлса, яна адашдингиз.

Ўтган йилнинг 22 ноябрь кунини эди. Поп тумани чегарасида моддий-товар бойликларини олиб чиқиб кетишини назорат қилувчи инспекция ходимлари соат 16 ларда Учқўрғон-Чимкент йўналиши бўйича ҳаракат қилаётган «Икарус» автобусини тўхтатдилар.

Салонда висир-висир гаплар бошланди. «Аввал ГАИ тинчлик бермасди. Энди бунақа хизмат ҳам қўшилди. Ишқилиб, меласалар дастидан тинчлик йўқ экан-да...»

Аммо инспекция ходимлари бу сўзларни эшитмасликка олиб, ҳаракатларини давом эттиравердилар. Юкхоналар очилиб, йўловчиларга қарашли юклар битта-биттадан текширила бошланди. Бирданига типирчилаб қолишди. Улардан бири салонга кириб: «Мана бу учта сумка кимники?» деб ўтирганлардан сўради. Ҳеч кимдан садо чиқмади.

«Бу сумкаларда наркотик моддалар тўлдирилга-

нига шубҳа йўқ эди. Аммо уларнинг эгасини аниқлай олмадик. Кейин Поп тумани ИИБдан оператив-тергов гуруҳини чақирдик. Улар бу юкларнинг эгасини дарров маълум қилдилар. Бу йўловчи Андрей Холявин эди».

Гувоҳ Абдуллажон Расулов кўрсатмасидан.

«Соат 16 ларда Тожикистон чегарасида бизни тўхтатишди ва йўловчиларнинг шахсий юкларини текшира бошладилар. Шу аснода наркотик моддалар билан тўлатилган учта катта сумка топиб олдилар. Бу сумкалар 27-рақамли ўриндикда ўтирган йўловчига тегишли эди. Милиция ходимлари автобусдан бир эркак, икки аёл ва болани тушириб қолдилар».

Автобус ҳайдовчиси Баҳодир Ёқубов кўрсатмасидан.

Энди «берди»сини айта қолай. Ана шу учта сумкадаги оғирлиги 25,7 килограмм бўлган наркотик модда марихуана эди!

Шунча нарс Андрейнинг қўлига қаердан тушиб қолди, деб ўйларсиз? Бунинг ҳам озгина тарихи бор.

Андрей, хотини Ирина ва ўғли учовлон Тошкўмир шаҳрига келишди. Бу ерда Ирнининг дугонаси Роза истиқомат қиларди. Шункида икки ҳафтача меҳмон бўлишди.

Ана шу орада Андрей Рўзвон ва Талъат исмли йигитлар билан танишиб қолди.

— Мўмай пулга тобинг қалай? — деб сўрашди улар.

— Ҳар ҳолда йўқ демайман.

— Бир оз нозикроқ шарт борда?

— Аввал эшитайлик-чи...

Хуллас, бу йигитлар Андрейга 5 минг сўм берадиган бўлишди. Эвазига у юкорида айтилган сумкалардаги таъқиқланган маҳсулотни Тошкентга олиб бориши керак.

— Хамир учидан патир деганларидек, ҳозирча сенга минг сўм берамиз, — дейишди «буйортмачи»лар.

— Тошкент автовокзалида Олег исмли йигит кутиб олади. Ўша ерда қолган 4 минг сўм ҳам қўлингга бўлади. Келишдикми?

— Келишдик!

Қўллар қўлга қарсиллаб урилди.

«21 ноябрь кунини кечқурун соат 18 ларда Тошкўмир бозорида Рўзвон ва Талъатлар билан учрашдим. Улар қизил рангли «Нива»да учта сумка келтиришган экан. Бу юкларни ўзимиз меҳмон бўлиб турган Розанинг уйига олиб бордик. Эрталаб мен, Ира, Роза Чимкентга борадиган автобуска чиқиб олиш учун таксига ўтириб, Учқўрғонга келдик. Кейин Чимкентга йўл олдик. Ва ниҳоят, давлат назоратчиларига дуч келдик...»

Айбланувчи Андрей Холявин кўрсатмаси.

Хуллас, шайтон Андрейга яна бир марта панд берди.

Раҳмон АЛИ.

Эндигина кеч тушаётган пайт. Бухоро туманидаги Усмон Юсупов номли жамоа ҳужалиги ҳудудда постда турган ДАН бўлинимаси ходимлари йўл назорати хизмати взвод командири, милиция лейтенанти Ашур Маҳмудов ва йўл назорати хизмати катта инспектори милиция кичик лейтенанти Фахриддин Зокировлар елдек учиб бораётган Е 73-46 ВХ давлат рақамли «ВАЗ-21063» белгили автомашинани кўриб қолишди.

— Сезилсизми, машинанинг орқа томони сал босилган. Юкхонасида нимадир борга ўхшайди, — деди Ашур ҳамроҳига қараб.

— Тўхтатиб текшириб кўрайлик-чи, нима олиб кетяпти экан, — деди Фахриддин унинг фикрини маъқуллаб.

Ҳайдовчининг истар-истамас машинадан тушди. У нимадандир безовталанди. Аммо милиция ходимларида шубҳа уйғотмаслик мақсадида ҳужжатларини тезда олиб, улар томон юрди.

— Мана, акахонлар. Ҳужжатлар ҳаммаси жойида, — деди муғомбирона илжайиб.

— Кечирасиз, оғайни. Хизматчиликда, малол келмаса, машинангизнинг юкхонасини очсангиз, — деди Ашур ҳайдовчининг ҳужжатларини синчковлик билан текшириб кўраркан.

Ҳайдовчининг ранги бўздек оқариб кетди. Аммо бўш келмади.

— Э-э... юкхонада нима ҳам бўлиши мумкин бу қимматчилик замонда, акахон?! Шунчаки темир-терсагу майда-чуйдалар-да, — деди сир бой бермасликка уриниб.

Машина юкхонаси очиб қаралганда, нима сабабдан у юкхонани очини хоҳламаганилиги аён бўлиб қолди.

Не кўз билан кўришсинки, юкхонада ҳар

## ТАВБА

### ҚИЛМАГАНЛАР

Вақт ўтавераркан. Инсон умри ёпиқдами, очикдами, вақт учун барибир.

Комилжон 4 марта умрини ёпиқда ўтказганлардан. 1973 йили, 1978, 1980, 1983 йиллари судланиб, турли муддатларга ҳукм қилинган. Аммо бирортасида тавбасига таянмаган. Ҳар гал онгли равишда жиноятга бораверган. Ҳар гал жинояти олдида етти ўлчаган.

Ҳеч қаерда ишламайдиган Комил бозор иқтисодиётига ўтиш билан энг танг аҳволга тушганлардан. Негаки авваллари битта товук ўғрилса, эгаси қўл силтаб қўя қоларди. Кунини ўтарди. Энди эса у замонлар ўтиб кетди. Товуқлар қўй нархида. Илгарилари майда ўғриллик билан тирикчилик қилиб юрган Комил ҳунарини давр талабига мослаштиришга киришди. Йирикроқ ишга қўл урмаса, моддий аҳволи чатоқ.

У Р. Ҳасанованинг кун тартибини ўргана бошлади. Қачон, қаерда бўлиши ҳақида маълумотлар тўплагач, уйига кирди. Шўрликнинг 12.668 сўмлик буюмларини ўмарди. Кейин бева Т. Тургиевнинг йўлини пойлади. Унинг ҳам йўқлигидан фойдаланиб, 7.060 сўмлик мол-мулкни йиғиштиришга тушди.

Буюмларни орқалаб эшикдан чиқаркан, йўлакда турган милиция ходимларини кўриб, ранги докакдек оқариб кетди. Қарши шаҳар ИИБ ходимлари К. Суляевнинг «киждо»ни қалин китобда муфассал ёритиб, судга оширдилар.

Суд эса жиноятчини 8 йиллик қамоқ жазоси билан «сийлади».

Кўп вақт ўтмай суд ҳайъати К. Суляевнинг уқаси Ботирнинг ҳам ишини кўриб чиқди.

Бунини қарангки, ука кисса-шўрлик билан шуғулланиб кун кечираркан. У ҳам илгари судланиб, тавба қилмаганлардан бўлиб чиқди.

Қарши шаҳар халқ суди Б. Суляевга уч йил берди.

Нур БАДИЯ.

## ЭШАГИГА ЯРАША ТУШОВИ

бири 100-120 метрлар чамасидаги икки тўп чинт ва сатин газламалари ётарди.

— Ҳали шуми сиз айтган майда-чуйдалар? — деди Ашур талмовсираб қолган ҳайдовчига қаттиқ тикилиб. — Майда-чуйдаси шу бўлса, йирикроғи қанақа бўларкан, ҳайронман?!

— Чайқовчи, олибсотарларни бир ёқдан олғир сотувчилар таъминлаб турса, иккинчи томондан ана шунақа «уддабурон»лар таъминлайдида, — деди жаҳли чиқиб Фахриддин.

Аъзойи баданини совуқ тер босган ҳайдовчи ўз қилмишини ҳаспўшлаш мақсадида турли баҳоналарни қалаштириб ташлади. Аммо милиция ходимлари тўқиб чиқараётган «чўп-чак»ларига ишонқирамаётганликларини сезиб, уни ўчди.

«Текин луқма томоқ тешар», — деган мақолни унутган Ф. исмли бу йигитча газламаларни Бухоро тўқимачилик комбинатидан ўнариб чиққан экан.

«Эшагига яраша тушови», — деганларидек, ўғриллик газламаларни сотиб, мўмай даромад орттириш ниятида давлат мулкига кўз олайтирган яна бир «нафс бандаси» қилинишга яраша жазо оладиган бўлди.

Зикрилла НЕЪМАТОВ.



Пост-патрул хизмати ходимлари учун жамоат жойларида куннинг иккинчи ярмида иш қўяйди. Сабаби корхоналар ва ўқув муассасаларидан чиқиб уйларига қайтаётган фуқароларнинг тинчлигини, истироҳат боғларидан дам олаётганларнинг осойишталигини сақлаш керак.

— Милиционерларга иш вақтида нималарга аҳамият бериш зарурлигини яна бир бор эслатиб ўтиш фойдасидан ҳоли эмас, — дейди Октябрь тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция капитани Абдуқодир Раҳимжонов (ўнгда).

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

## АДАШЛАР ҚЎЛИ ЭГРИ

Йигитларнинг исми бир хил. Бирини Дмитрий Семенов, иккинчиси Дмитрий Бритов. Семенов Бритовдан икки ёш катта, илгари судланган, ҳеч қаерда ишламайди. Бритовни йўлдан айнитган ҳам аслида ана шу. Улар пичоқ ва лезвиялар билан қуролланишиб, Чилонзор даҳасида яшовчи таниш бир қизнинг уйига келишди.

Эшикни очган Галиянинг оғзини Семенов шарф билан ёпди. Бритов чўнтагидан арқон чиқаргач, қизни ўриндиққа боғлашди. Галия босқинчиларнинг саволига титраганча жавоб бераркан, битта тилла узукдан бўлак ҳеч вақо йўқлигини айтди. Бироқ йигитлар ўзлари тинтиб топишга аҳд қилишди.

Галияни Бритов қузатувида қолдириб, Семенов бошқа хонага ўтди. Лекин жиний оғасини ўлка билан қойил қолдирмоқчи бўлган Бритов нарсаларни титқиллай бошлади. Унинг чалғиганидан фойдаланган Галия арқонни ечиб, эшикка отилди. Бор овози билан қўни-қўшини ёрдамга чақирди. Қўрқиб кетган Дмитрий-

лар ура қочишга тушишди. Дмитрийлар кўп ўтмай яна бир хонадон эшигини олдида пайдо бўлишди. «Биз газчилармиз», — деган йигитлар ичкарида икки-уч бақувват эркакни кўриб, додираб қолишди.

— Қани, ҳужжатларингизни кўрсангиз, — деди хонадон соҳибни.

Афсуски, уй эгаси уларнинг пала-партиш жавобларига унчалик эътибор бермадида, яхшиликча чиқариб юборди.

Йигитлар эса бўш келишмади. Учинчи хонадонни мўлажаллаб зинадан юқорига кўтарилаётганларида, Ақмал Икромов тумани милиция ходимлари томонидан ушландилар.

Улардан олинган пичоқ, лезвия, ниқоблар ашёвий далиллар сифатида ишга тиркалди.

Семенов яна озодликдан маҳрум этилди. Бритовнинг эса гўрлиги, тавба-тазарруси инобатга олинди. Аммо қонуннинг бу олижаноблигини билган билади, билмаган ўз билганидан қолмайди.

М. ИСРОИЛОВА.

## ФОЖИА

бошқаролмай қолиб йўл четидagi Уқчи жамоа ҳужалигига қарашли «Роҳат» болалар богчасининг бир гуруҳ (20 га яқин) тарбияла-

кувчиларини уриб юборди. Натижада тўрт нафар гўдак воқеа жойида ҳалок бўлди. Тарбиячи касалхонада ҳаётдан кўз юмди. Бир неча бола оғир аҳволда ётибди.

М. КИМСАНБОВ.

13 март кунини соат 12 ларга яқин Ўзбекистон туманидаги Қизилқақир-Уқчи йўлининг Туманботир қишлоғи ҳудудига фалокат рўй берди. «УАЗ-469» белгили машинада келаётган ҳайдовчи М. Юсуфжонов рулни

Етмишинчи йилларда юртдошларимиз ўз дини ва этиқодидан айрилиб, қанчалар сиқувга олинганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мен ҳам ўша даврларни худди қўрқинчди тушини эслагандек хотирлайман.

Ўз ойлари эди. Ҳамма милиция ходимлари қатори юрак амрига зид иш тутишга мажбур эдим, масжиду қабристонларга диндорларни йўлатмаслик каби топшириқларга жалб қилиниб турардим.

Кунларнинг бирида ўшандай топшириқни рад этолмасдан қишлоқ Кенгаши раиси, жамоа хўжалиги партия ташкилототи котиби ҳамда райком вакили билан «Буви-мозор» қабристонига йўл олдик. Шайх билан қисқа суҳбатлашиб, ичкарига кирдик. Мозор мутлақо қа-

кўрмайди, зиёратга келувчилар берадиган садақа ҳисобига яшайди, сиздан ниҳоятда қўрқиб кетди», — деди шайх. Шундагина милиция формасида эканлигимни эсладим. Ўзимдан нафратланиб кетдим. Ҳали мен муҳтож ва мажруҳ юртдошимни қўрқитадиган қуролга айланиб қолдимми, деб ич-ичимдан эзилдим.

Орадан ҳеч қанча ўтмай отам раҳматлик вафот этдилар. Эртаси кун фотиҳага келганларни кузатар чоғимда, чап кўзим хиралашгандек бўлди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач эса, ўша кўзим кўрмай қолди, бора-бора ўнг кўзим ҳам мутлақо юмилди. Ичим чироқ ёқса, ёришмайди. Кўрсатмаган докторларим қолмади. Ҳаммаси ҳайрон. Уйдагилар менга билдир-

гача, худо хоҳласа, ижобатга ўтади», — деди.

Тасодифми — билмадим, аммо соат ўнларда уйимдан келишганини хабар қилишди. Ҳамшира ёрдамида ташқарига чиқсам, ўша кичик акам хотинию бола-чақаси билан кўргани келибди. Фурсат топиб, акамга тушимни айтдим ва кечирганини ўттидим. У чин юракдан кечирди.

Эртаси кун номоздан кейин яна кўзим иланибди. Ҳа, хонамнинг таъбири тўғри чиққанлигига яна бир қарра иқроор бўлдим. Тушимда волидам оёқларига бош уриб, уэр сўрадим. Барибир она она экан, гуноҳларимдан ўтди.

Тушдан кейин соат учларда мени жарроҳлик хонасига олиб киришди. Врач роса текшириб кўрди. Бошимга шлёмга ўхшаган аллақандай нарсани кийдириб, олдинга энгашимни айтишди ва иягимни аппаратга қўйдим. Врач яна синчиклаб текширишда давом этди. Ниҳоят, иккиланиб қолди, шекилли, профессор аёлни чақириб келди. Шундан кейин профессор ҳам диққат билан текшира бошлади ва кутилмаганда юзимга тарсаки туширди. «Табриклайман, ўғлим!» — деди ҳовлиқиб. Мен: «Табриклаш ҳам тарсаки биланми?» — деб сўрадим. У эса: «Ўувончим ичимга сиғмаганидан урдим, кўзларинг очила бошлабди, операцияга ҳожат йўқ», — деди.

Кундан-кунга аҳволим яхшилана бошлади. 30 сантиметрлик масофадан кўра оладиган бўлганимда, врачлар руҳсатини олиб, отамнинг қирқига бориб келдим.

Мана, ҳаммаси ортда қолди. Ҳозир кўзларим жуда равшан кўради. Гўёки, ҳаётга бошқатдан келгандайман. Ёруғ дунёга боқиб тўймайман, ишлайман. Аммо ҳануз мендан ниҳоятда қўрқиб кетган, ҳассасини дўқиллатиб қочган, кейин сувсиз ариққа юмалаб тушган аёлни унутолмайман.

Бу узун ҳикоям билан азиз юртдошларимни сабртоқатли бўлишга чақирмоқчиман. Ҳозирги тушунмовчиликлар ҳаммаси ўткинчи. Энг муҳими шундаки, имон-этиқодимизни қайтариб олдик, ўзлигимизга эга бўлдик. Мустақиллигини шу шарофати ҳар қандай қийинчиликни ювиб кетади, назаримда.

Мен сизларни қайта очилган кўзларим билан кўриб, чин қалбимдан севаман, азизлар!

**Акрамжон УМАРОВ,**  
милиция майори.  
Бувайда тумани.

ли. Бу ишга бефарқлик билан қараб туришнинг ўзи гуноҳдир ва кўп нарсани йўқотиб қўйишимиз табиий.

Хоразм вилояти ИИБ воляга етмаган ёшлар билан ишлаш бўлинимаси ходимлари бунди дилдан ҳис этмоқдалар. Шунинг учун ҳам улар меҳнат ва ўқув жамоаларида тез-тез бўлиб туришади.

**СУРАТДА:** бўлим катта инспектори милиция капитани Қадамбой Кенжаев Урганч қурилиш коллежида сабоқ олаётган ёшлар ва ўқитувчилари ҳузурда.

**С. БОБОЕВ** олган сура.



Ёшлар тарбияси шу куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқ-

да. Содир этилаётган жиноятларда уларнинг қўли борлиги эса ниҳоятда ачинар-

МУЛОҲАЗА

## ИЛИК СЎЗ ҚАДРИ

Кўча-кўйда юрганимда, баъзи ҳайдовчилардан ДАН ходимларига нисбатан порозиликка йўрилган фикрларни эшитиб қоламан-у, таъбир тирриқ бўлади. Чунки ўзим ҳам узок йиллар шу соҳанинг нонини еганман. Иложи борича уларнинг сўзи бир ёқлама эканлигини исботлашга уринаман. Аммо айрим ҳолларда бунинг удасидан чиқа олмайман. Чунки чиндан ҳам ҳанузгача орамизда касбига нолойиқлар бор, афсус...

1972 йил куз ойлари эди. Қўрғонтепа тумани марказидаги чорраҳага қурилган постда тургандим. Андижон томондан бир автомашина ўндек учиб келиб қолди. Тўхтатдим.

— Кўрдим, машинангиз янги экан, аммо аҳоли пунктларида тезлик чекланганини билмайсизми? — деб сўрадим ҳайдовчидан.

— Узр, ака, — деди у кабинада ўтирган аёлга имо қилиб. — Ҳўжайининг рафиқасини олиб кетяпман. Қизи пахта теримига келган талабалар орасида экан. Кўриб кетишимиз керак. Вақтимиз сал...

У сўзини тугатмасданок кабинадаги аёл лопиллаб тушиб келди. Салом-аликсиз:

— Ҳозироқ бизни қўйиб юборинг, жуда шошиляпмиз. Сизга ўхшаб бекорчи эмасми? — деди.

Сўраб билсам, у шу машина биркитилган ташкилот раҳбарининг хотини экан. Жарима солсам ҳам бўларди, аммо шу заҳотиёқ фикримдан қайтдим. Бундан бечора ҳайдовчига жабр кўради. Шунинг учун бошқачароқ йўл тутдим.

— Сиз яхши кийинган, чирой-чимматингиз жойида аёл экансиз. Ҳурматингизни жойинга қўйиб, ахлат ташийдиган машинада сафарга жўнатган хўжайинингизга менинг номимдан салом айтиб қўйинг, — дедиму ортимга қайтдим.

«Хўжайин»нинг «хўжайин»и жонига теккан эканми, ҳайдовчи, сезиб турибман, мириқиб кулмоқчи эди. Аммо барибир ботинолмади. Менга сидқидилдан раҳмат айтиб, қизариб-бўзарган аёл ёнига ўтириши билан яна йўлга равона бўлди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, «ЗИЛ-150» белгили автомашина келиб тўхтади. Унинг кабинасидан шофёри тушди: «ГАЙларнинг командири ким, ака?» — деб сў-

ради. Ўзимни таништирдим.

— Ҳув нарида иккита ходимингиз ҳе йўқ, бе йўқ тўхтатди. «Машинанг носоэкан, жарима тўлайсан», — деб туриб олди. Енимда атиги беш сўм бор экан, узатсам: «Ўн сўм бўлади», — деди. Бори шулигини айтсам, биттаси олдинги рақамини ечиб олди, иккинчиси эса юзимга тарсаки тушириб: «Йигит киши ҳам шунақа бўладими?» — деди. Ўзимни оқламоқчи бўлсам, яна уришга чоғланди, — дедиму йиғлаб юборди.

Мен уни постда қолдириб, ўзим ўша ёқда бордим.

Ростдан ҳам ходимларимиз туришган экан. Уларнинг биттасига:

— Шофёрни уришга нима ҳақингиз бор? — деб балога қолдим.

— Нима, у сизнинг туғишганингизми? — деб мен билан гап талаша кетди.

Қарасам, фойдаси йўқ. Мотоцикли кажавасидан бояги шофёр машинасининг олдинги давлат рақамини олдимда, ортимга қайтдим. Бечорадан қаттиқ кечирим сўраб, ёнимдан беш сўм узатдим.

Эртаси кунёқ вилоят ИИБ ДАНБ бошлиғи ҳузурига кириб, бўлган воқеани айтиб бердим. Бошлиқнинг чунонам жаҳли чиқдики, кечаги тартиббузар «тартиб посбонлари»ни чақириб, роса «тузлади». Муҳокамага қўйиб, кейин ишдан четлатиб юборди. Тез орада улар милиция формасини бутунлай ечишга мажбур бўлдилар.

Ишончим комилки, ҳозир ҳам давлат автомобиль назорияти системасида мен мисол келтиргандек ходимлар йўқ эмас. Биринки мингга, мингники туманга, дегадларидек, уларнинг касри ҳалол хизмат қилаётганларга ҳам урипти. Демак, энг аввало ана шундай касбига нолойиқ шахслардан қутулиб олишимиз керак.

Қолаверса, халқимизнинг яхши гапта илон инидан чиқади, деган нақл ҳам бежиз эмас. Қондабузарни жарима билан жазолаш ҳамма вақт ҳам наф беравермайди, аксинча иллик сўз билан тартибга чақирининг фойдаси катта бўлади. Буни автоинспекторларимиз ёддан чиқармасалар деган умидим бор.

**О. САЙНАЗАРОВ,**  
истеъфодаги милиция майори.

## ОМАДСИЗ РАҚАМ

Толиб ва Баҳромларга омад кулгандан кулди. Улар ҳаттоки бир кун сирлари фош бўлиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмадилар. Ҳисоблашса, Шеробод туманининг ўзидан 12 марта қорамол ўғирлашибди-ю, миси чиқмабди. Гўшга бўлган эҳтиёжга нисбатан бир оз арзонроқ берсанг, зумда териси ҳам қолмайд.

Йигитлар Қодиров номли

давлат хўжалигининг 10-бўлимига 13-мартга ўғирлик содир этишга келганларида, қўлга тушдилар.

Тергов жараёнида улар 27 бош қорамолни ўғирлашгани маълум бўлди. Туман милицияси ходимлари ўз вазифаларини бажардилар. Эндиги гап судда.

**И. ПИРИМҚУЛОВ.**

Собиқ хизматдошлари Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи

**Ислом САТТОРОВ**

узок чўзилмаган касалликдан сўнг вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг онда аъзоларига ҳамдардлик билдиришди.

Мухаррир  
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029,  
Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Телефонлар: муҳаррир—54-37-91, муҳаррир  
ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими—  
59-26-56, 59-20-92, умумий бўлим—59-21-21.

Обуна рақами — 64615.  
44272 нусхада чоп этилди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ»  
нашриёт-матбаачилик концерни  
босмахонаси. 700083, Тошкент,  
Ленинград кўчаси, 32.

\* Кўчириб босишда «Поста»дан эканлигини кўрсатиш шарт. \* Мақолада келтирилган рақамлар, фантлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумини бўлмаган маълумотлар учун муаллиф мавобгар ҳисобланади. \* Муаллифнинг мулоҳазаси тахрират финрига мос тушмаслиги мумини. \* Қўлёзма-лар таҳлил қилинмайди ва қайтарибмайди.